

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛАНТИРИШ РАҚОБАТБАРДОШЛИК ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЗАМИНИДИР

Ситмуратов Шухрат Тенгелович,
ТДАУ Нукус филиали ассистенти
E-mail: sitmuratov_1978@inbox.ru

Аннотация: Мақолада миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун янги фоя ва инновацияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириши, экспортбоп маҳсулотлар улушини кенгайтириш муҳимлиги ва шу тариқасида ресурсларнинг умумий унумдорлигини ошириш мумкинлиги мисоллар орқали таҳлил этилган.

Аннотация: В статье на примерах обосновывается значение внедрения в производство новых идей и инновации как важного условия обеспечения конкурентоспособности предприятий, повышения доли экспорта ориентированных товаров и совокупной эффективности ресурсов (TFP).

Abstract: This article discusses the importance of new ideas and innovations as supporting vital conditions for providing competitiveness of entities to increase the portion of export oriented goods and total factor productivity of resources (TFP) on the bases of examples.

Калит сўзлар: инновация, рақобат, бозор механизми.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги фармони [1] билан тасдиқланган мамлакатимизни янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлар бўйича 2017-2021 йиллардаги «Ҳаракатлар стратегиясида»¹ иқтисодиётни эркинлаштириш ва ривожлантириш долзарб вазифалардан бири эканлиги қайд этилган. Ўзбекистон Республикаси бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Бунинг тасдиғини ташқи дунё билан алоқаларимиз тобора кенгайиб бораётганида, тараққий топган етакчи давлатлар кўмагида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларнинг амалга оширилаётганида, 2017-2021 йилларга мўлжалланган мамлакатни янада тараққий эттиришнинг бешта устувор йўналишларнинг юртимизда муваффақиятли амалга оширилаётганида яққол кўришимиз мумкин. Глобаллашув шароитида мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, инновацияларни кенг жорий этиш ва шулар асосида ресурслардан оқилона фойдаланиш барқарор ривожланиш ва аҳоли турмуш даражасини оширишнинг гаровидир. Мақоланинг мақсади республикаимиз иқтисодиётининг ривожланиш ҳолати, омиллари, ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ва барқарор иқтисодий ўсиш имкониятларини тадқиқ этишдир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Инновацион иқтисодиётнинг моҳияти, мақсади, омиллари ва шаклланиш жараёни маҳаллий ҳамда бошқа хорижий давлатлар олимлари Д.Ромер, Чен Дерек, Д.А.Медведев, А.А. Динкин, Н.И.Иванова, В.В.Глухов, Л.Н.Орлова, Т.Ш.Шодиев ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган. Жумладан, Д.Ромер[2] тараққиётнинг

¹www.uza.uz

постиндустриал босқичида аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун интеллектуал, яъни билимлар иқтисодиётини шакллантириш ва унда инновацияларнинг роли ва аҳамияти ҳақида фикр юритади. У иқтисодий ўсишнинг эндоген моделини таклиф этган ва интеллектуал салоҳият, билимлар мажмуаси, янги ғоя ва инновациялар тараққиётнинг асосий омилига айланганлигини таъкидлайди. Чет эл олими Чен Дерек[3] инновацион иқтисодиёт, яъни унинг таърифида билимлар иқтисодиётининг тўртта устунни: иқтисодий ташқи муҳит, билимлар мажмуаси, инновациялар тизими ва ахборот коммуникация технологиялари ҳақида гапириб, иқтисодий ўсишнинг кўп омилли эконометрик моделини таклиф этган. Проф. Д.А. Медведов[4] россия иқтисодиётининг истиқболи ҳақида тўхталиб келажакда мамлакатнинг тараққиёти таркибида билим сифими юқори бўлган товарларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш Россия Федерациясининг бош мақсади эканлигини таъкидлайди. А.А. Динкин ва Н.И.Ивановалар[5] чоп этган монографиясида инновацион иқтисодиётнинг мазмуни, моҳияти, мақсади, ривожланиш омиллари ва манбалари Россия иқтисодиёти мисолларида баён этилган В.В.Глухов[6]. Инновацион иқтисодиётнинг хусусиятлари, хомашёни экспорт қилишдан интеллектуал маҳсулотларни экспорт қилиш афзалликлари, корхоналарнинг рақобатбардишлигини ошириш йўналишларини батафсил ёритган. Л.Н. Орлова[7] инновацион иқтисодиётнинг кўрсаткичлари ва рақобатбардошликни таъминлаш муаммоларини ўрганган. Ўзбекистонлик олимлар Т.Ш.Шодиев[8] ҳамда республикамизда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқтисодий тадқиқотлар маркази олимлари[9] Ўзбекистонда билимлар иқтисодиётини барпо этиш аҳволи, шакллантириш ва ривожлантиришнинг муҳим илмий-услубий жиҳатларини тадқиқ этишган ва унинг эконометрик моделини яратишга ҳаракат қилишган. Тадқиқотлар натижасида БМТнинг мамлакатимиздаги офисида миллий иқтисодиётнинг 2012-2020 йилларга мўлжалланган инновацион ривожлантиришнинг дастур лойиҳаси[10] ишлаб чиқилган.

Олимларнинг инновацион ривожланишнинг янги сифат босқичини шакллантириш жараёнини ўрганишга услубий ёндашувлари, инновацион ишланмалари, корхоналарда янги технология ва маҳсулотларни жорий этиш орқали иқтисодий барқарор ўсишни таъминлаш тадқиқотлари ҳам назарий ҳам амалий аҳамиятга молик. Билимлар иқтисодиёти ёки бошқача қилиб айтганда инновацион иқтисодиётнинг шаклланиш даражаси, статистик кўрсаткичлари ва омиллари, сифатли ва миқдорий таҳлил услубларини бирлаштириш орқали таҳлил этиш, эконометрик моделлар асосида комплекс тадқиқ этилмаган. Бу муаммо ҳам тадқиқотчи олимлар эътиборидан четда қолган.

Мақолада “2018 йил фаол тадбиркорлик, инновацион ғоя ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” доирасида иқтисодий фаолиятни интеллектуаллаштириш учун ишлаб чиқаришда номоддий ресурсларнинг ролини ошириш, товарларнинг сифимида интеллектуал меҳнат улуши устуворлигини таъминлаш, иқтисодиётни либераллаштириш ва уни тартиблаштиришда бозор механизмидан кенг фойдаланишни талаб этади. Истиқболда миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш бугунги кунда катта амалий аҳамиятга эга. Шу туфайли 2018 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикасини 2019 -2021 йилларда инновацион ривожлантириш стратегияси қабул қилиниб уни амалга

ошириш чора-тадбирлари белгиланди.

Тадқиқот методологияси

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг инновацион ривожланиши ва 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш жараёнини тадқиқ этишда мамлакатнинг 2001-2017 йилларда ривожланиши ҳақидаги статистик маълумотлар, динамик қаторлар, уларни таққослаш, таҳлил этиш ва синтезлашда ўртачалар, дисперсия, вариация, корреляция ва регрессион тенгламалар қўлланди. Ва ниҳоят, иқтисодий ўсиш омили ва манбаларини аниқлашда икки омилли модели тузилди ва ҳар бир омилнинг (ресурснинг) чегаравий самарадорлиги, ресурсларнинг алмашинув чегаралари ва оптимал комбинациялар аниқланди, ҳар бир омилнинг ялпи ички маҳсулотга мутлақ ва нисбий “соф” таъсири топилди, капитал ва меҳнатдан ташқари омилларнинг умумий самарадорлик (TFP) коэффициенти аниқланди, барқарор иқтисодий инновацион ривожланишнинг йўналишлари белгиланди.

Тадқиқот жараёнида дидактик ёндашув, тизимли ва мантиқий таҳлил, статистик кузатиш, статистик жамлаш, вақтли динамик қаторлари, корреляцион ва регрессион таҳлил, иқтисодий-математик моделлаштириш каби усуллар қўлланилган. Маълумотлар базаси сифатида Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитасининг кейинги йиллардаги мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ишлатилган. Тадқиқот гипотезаси тарзида инновацион иқтисодиётни шакллантириш барқарор ривожланиш ва рақобатбардошликни таъминлаш воситасдир деб тахмин этилади.

Таҳлил ва натижалар

Иқтисодиётнинг глобаллашуви жараёнида рақобат муҳити шиддатли ўзгариб боради ва бу эса компания ва корхоналардан бозор шароитида таназзулга учрамаслиги учун янгиликлар яратиш, инновацияларни жорий этишни талаб этади. Ҳозирги даврда инновациялар – фундаментал тадқиқотлар, амалий ишланмалар ва тажриба участкаларида янги маҳсулотлар, илмий ишланмалар, маркетинг ва менежмент усуллари тухтовсиз амалиётга жорий этиш орқали кечмоқда. Технологик ривожланиш мантиқи ва потенциал бозорлар инновацион ғояларнинг тенг қимматга эга бўлган манбалари ҳисобланади. Бошқача айтганда, инновациялар ғоя пайдо бўлиб, концепция ишлаб чиқиладиган ва бевосита ишланма амалга ошириладиган илмий тадқиқотлар босқичини четлаб ўтиб, яратилиши мумкин.

Инновация – бу, ҳар доим ҳам мутлақо янги маҳсулот ёки жараёндан фойдаланишни тақозо этмайди. Инновация кўпинча – аввал маълум бўлган элементларнинг янги бирикмада самарали қўшилишидир. Бу эса, фундаментал ва амалий тадқиқотлар аҳамиятини пасайтирмайди. Бироқ, уларга қийинчиликлар юзага келганда мурожаат қилинади, яъни дастлаб амалий ишлар натижалари таҳлил қилинади. Иқтисодиётни интеллектуаллаштириш жараёнини тадқиқ этишда, биринчи галда, мамлакатимизда қабул қилинган ривожланишнинг Ҳаракатлар стратегиясидаги вазифалар бажарилиши, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, иқтисодиётни тартиблаштиришда кўпроқ бозор механизмидан фойдаланиб, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини пасайтиришни тақозо этади. Бу жараённи чуқур тадқиқ этишда ишлаб чиқариш функцияларидан фойдаланамиз. Жумладан,

$$Y_t = A_t K_t^\alpha L_t^\beta \quad [3]$$

Бу ерда Y_t – ялпи ички маҳсулот, млрд. сўм, K_t – жами ишлаб чиқариш фондлари қиймати, млрд. сўм, L_t – миллий иқтисодиётда қатнашган ўртача ишчи ва хизматчиларнинг сони, минг киши. A , α, β - функциянинг параметрлари ва улар эконометрик усуллар ёрдамида ҳисобланади. Иқтисодий ривожланишнинг интенсив ва экстенсив омилларини аниқлаш учун функцияни модификациялаштириб ёзишимиз мумкин:

$$\alpha + \beta \neq 1$$

$$Y_t = A_t (K_t^\mu L_t^{1-\mu}) (K_t^\nu L_t^{\mu-1})^{\nu-1} \quad [3]$$
$$\mu\nu = \alpha \quad (1-\mu)\nu = \beta$$

Шунингдек тадқиқотда моддий омиллардан номоддий омиллар (янги ғоя, билим, ахборот ва бошқ)га ўтиш Ўзбекистон Республикасида омиллар умумий самарадорлигини 2001-2017 йиллар давомида ўсиш тенденциясида исботланди. Бунинг учун иқтисодиётнинг икки омилли макроиқтисодий функцияси ҳисобланди. Омилларнинг умумий унумдорлиги:

$$\frac{\Delta Y(t)}{Y(t)} = \alpha_k(t) \frac{\Delta K(t)}{K(t)} + \beta_l(t) \frac{\Delta L(t)}{L(t)} + TFP(t) \quad [3]$$

орқали топилди. Бу ерда Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати асосий капитал ва ишчи кучига нисбатан функция деб қаралади. Омиллар ва функция экспоненциал ўсиш қонуни бўйича ўзгаради деган тахмин асосида $g_y = (w_k \times g_k) + (w_l \times g_l) + a$ тенглигини ёзиш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг 2001-2017 йиллардаги статистик маълумотларини қайта ишлаш натижасида яратилган ишлаб чиқариш функцияси асосида ҳар бир омилнинг иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссасини аниқладик. Тадқиқот билан қамраб олинган давр учун ўртача иқтисодий ўсиш суръати 6,1 фоиздан ишчи кучининг ҳиссаси $w_l = 1,8$ фоиз, капиталнинг ҳиссаси $w_k = 2,9$ фоизга тенг бўлди. Омилларнинг умумий самарадорлиги ҳиссаси $a = 1,4$ фоизни ташкил этди.

Илмий тадқиқотнинг асосий натижалари. Номоддий ишлаб чиқариш соҳасининг кенгайиши ва меҳнатнинг ўрнини билимлар эгаллаши ресурс чекловларини сезиларли даражада камайтиради.

Бугунги кунда миллий иқтисодиётнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш, уни жумладан, кичик бизнес соҳасида реконструкциялаш, илмий ташкилотлар ва илмталаб ишлаб чиқариш корхоналарини юқори технологик ишланмаларни жорий этиш ва ислохотлар даврида содир бўлган фаннинг ишлаб чиқаришдан узилиб қолиши оқибатларини бартараф этиш мақсадида бирлаштиришга кўмаклашиш, инновацион фаолият ва амалий илмий тадқиқотларни бевосита ва билвосита қўллаб-қувватлаш жуда зарур. Кичик тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш инновациялар соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиши лозим. Кичик инновацион бизнес (КИБ) минтақавий инновацион тизимнинг ажралмас бўғини, самарали янгиликлар ишлаб чиқувчи, уларнинг истеъмолчиси, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги воситачи ҳисобланади.

Иқтисодий ривожланишда ахборот ва билимларнинг муҳимлигини умумий англашни эътироф этиш, сиёсий доиралар, бизнесменлар, корхона раҳбарлари рақобатбардошликни таъминлашда инновацияларни жорий этиш муҳимлигини эътироф этмоғи лозим. Бу йўналишни ривожланиш омили сифатида баҳоламай бўлмайди. Жамият ва иқтисодиёт “рефлексияли тизимлар” ҳисобланади, иқтисодий ўсиш омиллари тўғрисидаги тасаввурни ўзгартириш ўз-ўзидан бу тизимларни ҳам ўзгартиради ва уларнинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Билимлар ва инновациялар муҳимлигини англаш менежментнинг маълум даражада бозорларда фирмалар ўзини тутиши ва уларни ривожлантириш стратегиясини белгилайдиган замонавий йўналишларини шакллантиради. Буни давлат даражасида англаш билимларга асосланган иқтисодиётни ривожлантиришнинг давлат стратегияси ва дастурларини ишлаб чиқишга ундайди. Бугунги кунда ана шундай стратегиялардан бири қабул қилинган ва муваффақиятли амалага оширилаётган Ҳаракатлар стратегиясидир.

Интеллектуал фаоллик инновацион ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ташкил топиши ва ривожланишидан далолат беради. “Инновацион ишлаб чиқариш бу асосини технологиялар, ноу-хау, ишлаб чиқариш омилларининг янги ўзаро бирикиши, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш тузилмасида мужассамлашган ва интеллектуал даромад ҳамда рақобатлар олдида устунликка эга бўлиш имконини берадиган янги билимлардан фойдаланишни ташкил қиладиган ишлаб чиқаришдир. Бунда инновациялар манбалари анъанавий илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик бюrolари ва ИТТКининг тегишли бўлимларидан маҳсулот истеъмолчилари, маркетинг бўлимларига ўзгарди. Макроиқтисодиёт даражасида инновацияларнинг самарадорлиги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларда ресурслар сифимининг маҳсулот бирлигида пасайиши ва омилларнинг умумий унумдорлиги ошишида намоён бўлади. Кейинги йилларда республикамизда омилларнинг умумий самарадорлиги динамикаси ўртача 3 фоиз атрофида бўлди.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2001-2017 йилларда иқтисодий ўсишда ресурсларнинг умумий самарадорлиги динамикаси²


Йиллар	Ишчи кучи ўзгариши,%	Инвестиция динамикаси,%	ЯИМ динамикаси,%	Омилларнинг умумий самарадорлиги (TFP), %
2001	101.7	103.7	104.2	102.1
2002	102.2	103.8	104.2	101.7
2003	102.7	104.5	104.4	101.4
2004	102.0	105.2	107.7	104
2005	102.9	107	107	103.3
2006	102.7	109.1	107.3	103.4
2007	102.6	122.9	109.5	103
2008	102.8	128.3	109	101.4
2009	102.7	124.8	108.1	101.2
2010	102.1	103	108.5	106.1
2011	102.3	109.7	108.3	103.7
2012	102.4	110.5	108.2	102.8
2013	102.6	111.7	108.4	102.6

² Статистик маълумотлар асосида Stata компьютер дастури ёрдамида ҳисобланди.

2014	103	112	108.9	102.5
2015	103.1	113.7	108.1	101.7
2016	102.8	114.2	107.8	101.5
2017	104.1	104.8	105.5	101.2

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики мамлакатимизда аср бошида инвестиция ва иқтисодий ўсиш динамикалари тебраниб турган, ишчи кучи динамикаси анча барқарор булган. Шу туфайли омилларнинг умумий самарадорлиги йиллар бўйича тебраниш тенденциясига эга. Шунинг ҳам алоҳида эътиборга олиш керакки, бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлар ва инвесторлар инновация ишларини олиб борувчи субъектлар билан инновация муносабатларини ижтимоий-иқтисодий манфаатдорлик асосида ташкил этадилар. Бундан ташқари инновация фаолиятини олиб борувчи субъектлар иштирокида ишлаб чиқариш натижаларининг самарадорлигини ошириш учун илмий тадқиқот лабораториялари, институтлар, махсус технологик ёки конструкторлик бўлимлари, ҳамда йирик корпорация, концерн, акционерлик бирлашмалари ҳузурида янгиликларни изловчи бўлимларни ташкил этилиши истиқболда эришадиган юқори натижаларга асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз тармоқ ва корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларда янги товар ва ишланмаларнинг улуши ортиб бормоқда. Жумладан, инновацион товар, иш ва хизматларнинг иқтисодиётимиз тармоқларидаги динамикаси қуйидаги жадвалда келтирилган.



1-расм. Илмий тадқиқот тажриба конструкторлик ишланмаларни бажарган ташкилотлар динамикаси (2000-2016 йиллар)³

Шуниси қувонарлики инновацион ғоя ва ишланмалар учун корхоналарнинг ўзлари маблағ қидириб топмоқдалар. Агар 2016 йилда инновациялар асосан ташкилотларнинг ўз маблағлари (69,7% га) ҳисобидан молиялаштирилган. 2016 йилда

³Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

ташкilotлар ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш 2010 йилга нисбатан 6,4 баробар ошган. 2010-2017 йилларда мамлакатимизда ишлаб чиқилган инновацион товар, иш ва хизматларнинг иқтисодиёт тармоқларидаги улушининг ўсиши кузатилди.


2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмалар (минг дона)

Жами	440.8	154.6
шу жумладан		
давлат сектори	179	21.8
тадбиркорлик соҳаси	174	151.8
олий таълим соҳаси	82.4	18.7
хусусий нотижорат сектори	5.4	2.2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхона ва ташкilotларнинг сони 2010 - 2016 йиллар оралиғида 8 баробарга кўпайиб, яъни 289 тадан 2374 тага етди. Шу жумладан илк бор, биринчи марта инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқаришни амалга оширган ўзлаштирган корхоналар сони 696 тага кўпайди.



2-расм. Инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми ва харажатлар динамикаси (2008-2016 йиллар)⁴

Инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми 2016 йилда 10688,2 млрд сўмни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 1,3 баробарга кўпайган. Инновацияларга харажатлар 2008 йилга нисбатан 5 баробарга кўпайган бўлса, 2015 йилга нисбатан 53 фоизга камайган.


⁴Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

2016 йилда ўз кучи билан ишлаб чиқарган маҳсулот, ишлар, хизматлар ҳажмининг асосий қисми Тошкент шаҳрига (48%), Қорақалпоғистон Республикасига (18,3%), Тошкент вилоятига (9,3%) ва Андижон вилоятига (8,3%) тўғри келган, қолган (56,1%) бошқа вилоятларга тўғри келган.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий соҳа ва иқтисодиётни ривожлантириш учун барча мулкчилик шаклларидаги ташкилотларнинг 2016 йилда 49770,6 млрд сум (16782,3 млн АҚШ доллори эквивалентида) ёки 2015 йилга нисбатан 107,7 фоиз асосий капиталга инвестицияларидан фойдаланилди. Асосий капиталга инвестициялар ҳажми 1991 йилга нисбатан 4,2 марта, 2000 йилга нисбатан 5,4 марта, 2005 йилга нисбатан 4,3 марта ва 2010 йилга нисбатан 170,1 фоизга кўпайди.

ЯИМга нисбатан капиталга инвестицияларнинг улуши 2016 йилда 25 фоизни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 0,6 фоиз пунктга ошди. (1996 йил 18,8%, 2000 йил 22,9%, 2005 йил 19,9%, 2010 йил 24,6%, 2015 йил 24,4%)

Мамлакатимизга 2016 йили тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий инвестициялар миқдори 2479,6 млн. АҚШ долларини ташкил этди ва у экспортбоб, маҳсулот сифимида интеллектуал меҳнат сифими бўлган товарларни ишлаб чиқишга замин яратди. Миллий иқтисодиётга киритилган бевосита ва билвосита инвестициялар ҳажмининг ортиши инновацион иқтисодиётни шакллантиришга хизмат қилмоқда.



3-расм. Инновацион маҳсулот, ишлар, хизматлар ҳажми ва харажатлар (млрд сўм)

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Хулоса ва таклифлар

Анъанавий иқтисодиётдан билимларга асосланган иқтисодиётга ўтиш таълим, инновациялар, ахборот-коммуникация технологияларига (АКТ) узоқ муддатли инвестициялар сарфлашни, шунингдек, ресурсларни самарали йўналтириш ва жойлаштиришни таъминлайдиган тегишли иқтисодий ҳамда институционал шароитларни талаб этмоқда. Жаҳон тажрибаси шунини кўрсатадики, замонавий иқтисодиётнинг инновацион йўналишдаги ривожланиши, асосан, юқори

технологияларга асосланган кичик фирма ва компаниялар туфайли амалга ошмоқда. Холисона айтганда, кичик бизнес корхоналари, стартап, инкубатор сингари лабораториялар инновацион жараёнларни ривожлантириш учун табиий ва қулай соҳа ҳисобланади. Шу туфайли мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида инновацион ғоя ва ишланмаларни қўллаб-қувватлаш нуқтаи назаридан давом эттириш, макраиқтисодий даражада ресурсларни тежаш, айниқса номоддий ресурслардан самарали фойдаланишга катта эътибор қаратиш лозим.

Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёсатини асосий устувор йўналиш сифатида давом эттиришни тақозо этиб, истиқболли иқтисодиёт сифатида инновацион иқтисодиётни назарда тутиш мақсадга мувофиқдир. Инновацион иқтисодиётга эришиш учун: биринчи навбатда, таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш; иккинчидан, ҳамкорлик муносабатларидан келиб чиққан ҳолда корхона томонидан инновацион маҳсулот ишлаб чиқаришни молиялаштириш; учинчидан, фан-техника ютуқларини корхона ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этиш имкониятини яратиш; тўртинчидан, инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга имтиёзлар яратиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ 4947-сонли фармони.
2. Romer, David (2011). "Endogenous Growth". *Advanced Macroeconomics* (Fourth ed.). New York: McGraw-Hill. pp. 101–149. ISBN 978-0-07-351137-5.
3. Chen Derec H.C. and KEE L. H., 2005. A Model on Knowledge and Endogenous Growth [online]. Available from: <http://www.worldbank.org/publications>
4. Медведев Д.А. Социально-экономическое развитие России: обретение новой динамики // Вопросы экономики, 2016. - №10. – С. 5-30
5. Инновационная экономика. /под ред. Дынкина А.А. и Ивановой Н.И. –М.: Наука, 2001
6. Глухов В.В., Коробко С.Б., Маринина Т.В. Экономика знаний. –СПб.: Питер, 2003
7. Орлова Л.Н. Экономическая нормаль инновационного развития экономики //Интеграл. - 2013. - № 4. – С.78. - 0,25 п.л.
8. UNESCO, 2008. Knowledge Economy (Report established by: Prof. Tursun Shodiev Chairholder, WIUT) [online]
9. Center for Economic Research of Uzbekistan, 2004. Knowledge Economics and Its Implication on Uzbekistan. Tashkent: CER publishing.
10. Концепция инновационного развития Республики Узбекистан на 2012-2020 гг. Проект ПРООН «Поддержка в сфере инновационной политики и трансфера технологий». Ташкент, 2011
11. www.uza.uz
12. <http://stat.uz>